



Баев Ҳабибулла Исмоилович

**ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИНИ
ИЖТИМОЙ ҲИМОЯЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ
МЕТОДОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
МУАММОЛАРИ**

Монография



«IQTISODIYOT»

36.1(575.1	122679		
Б 16	Баев Ҳ.		
Ўзбекистонда аҳолини			
ижтимоий ҳимоялашни...			
Т., 2023		124 464	

36.7(545.1
Б18.


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ



Баев Ҳабибулла
Исмоилов

ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ
ҲИМОЯЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ
МЕТОДОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
МУАММОЛАРИ

Монография



ТОШКЕНТ
«ИҚТИСОДИЁТ»
2023

УЎК: 36:33(075.8)

КБК: 65.027 я 73.

Э-40

Баев Ҳ.И. «Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоялашни молиялаштириш методологиясини такомиллаштириш муаммолари». Монография. — Т.: «IQTISODIYOT», 2023. — 216 б.

Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоялашни молиялаштириш методологиясини такомиллаштириш муаммолари.

Ушбу монографияда глобализм шароитида жаҳонда аҳолини ижтимоий ҳимоялашни молиялаштиришни такомиллаштириш орқали моддий ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини бозорни салбий таъсиридан моддий жиҳатдан ҳимоялашни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари илмий асосида кўрсатиб берилган.

Монографиядан илмий ходимлар, тадқиқотчилар, иқтисодий, молиявий соҳада таълим олувчи талабалар, магистрлар, молиявий соҳани ўрганувчи китобхонлар фойдаланишлари мумкин.

Маъсул муҳаррир:

Н.М. Махмудов, ТДИУ, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

Такризчилар:

Тухлиев Б.К. ТДИУ Солиқлар ва суғурта иши кафедраси иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

Алмардонов И.М. ТДИУ Молия кафедраси иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

Қўлдошев Қ.М. ТДИУ Солиқлар ва суғурта иши кафедраси иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

*Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети Илмий Кенгаши
қарорига асосан нашрга тавсия этилган.*

ISBN 978-9910-9695-2-2

© «IQTISODIYOT», 2023.

© Баев Ҳ.И., 2023.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	5
------------	---

I БОБ. БОЗОР ШАРОИТИДА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИ НАЗАРИЙ, УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ	7
--	----------

- 1.1. Аҳолини ижтимоӣ ҳимоялашни молиялаштиришни зарурлиги 7
- 1.2. Аҳолини ижтимоӣ ҳимоялашни молиялаштиришнинг методологик ва методик асослари 24
- 1.3. Аҳолини ижтимоӣ ҳимоялашни молиялаштиришнинг янги концепцияси ва унинг асосий йўналишлари 43

II БОБ. БОЗОР ШАРОИТИДА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯЛАШНИ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ	64
---	-----------

- 2.1. Мамлакатдаги ижтимоӣ-иқтисодӣ ўзгаришлар ва уларнинг аҳолини ижтимоӣ ҳимоялашни молиялаштиришни амалга оширишга таъсири 64
- 2.2. Иш билан банд бўлмаган аҳолини ижтимоӣ ҳимоялашни молиялаштириш муаммолари 79
- 2.3. Бозор шароитида қишлоқ аҳолисини ижтимоӣ ҳимоялашни молиялаштиришни ўзига хос хусусиятлари 93

III БОБ. БОЗОР ШАРОИТИДА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ УНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ	106
---	------------

- 3.1. Аҳолининг марказлашган ижтимоӣ ҳимоялаш тизимини молиялаштиришни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари 106
- 3.2. Корхоналар орқали аҳолини ижтимоӣ ҳимоялашни молиялаштиришни ролини ошириш 128
- 3.3. Аҳолини ижтимоӣ ҳимоялашда ижтимоӣ таъминот тизимини молиялаштиришни такомиллаштириш 139

IV БОБ. БОЗОР ШАРОИТИДА АҲОЛИНИ	
ИЖТИМОЙ ҲИМОЯЛАШНИ ФАОЛ	
ТИЗИМИГА ЎТИШНИ	
МОЛИЯЛАШТИРИШНИ	
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.....	154
4.1. Аҳолини ижтимоий ҳимоялашни молиялаштиришда	
мамлакат иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятларини	
ҳисобга олиш зарурати	154
4.2. Хорижий мамлакатларнинг аҳолини ижтимоий	
ҳимоялашни молиялаштириш тажрибасидан	
фойдаланишни	166
4.3. Тадбиркорликни ривожлантириш асосида аҳолини	
ижтимоий ҳимоялашни молиялаштириш тизимини	
такомиллаштириш	180
4.4. Маҳалла тизимини молиялаштириш заминида аҳолини	
ижтимоий ҳимоялашни такомиллаштириш	
йўналишлари	192
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....	206
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	209

КИРИШ

Жаҳондаги глобал муаммолардан бири аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўлиб, ҳамма давлатлар аҳолини моддий ёрдамга муҳтож табақаларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда иқтисодий қийинчиликка дуч келмоқдалар, дунёда 8 миллиард аҳоли истиқомат қилаётган ҳозирги кунда жаҳон миқёсида 800 млн. кишидан ортиқ аҳоли кунига 1,25 АҚШ долларида озроқ маблағга яшаб келмоқда.

Ўзбекистонда ҳам бозорни салбий таъсиридан аҳолини моддий ёрдамга муҳтож эҳтиёжманд табақаларини ижтимоий ҳимоялаш давлатни марказлашган молиявий тизимидан молиявий маблағлар ажратиш орқали аҳолини ижтимоий ҳимоялаш амалга ошаётганлиги “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”, “Темир дафтарларини” жорий қилиш орқали эҳтиёжмандларга молиявий ёрдам кўрсатилаётганлиги давлатни инсонпарварлиги ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев 4 январдаги 2020 йил Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидладиларки: “Худудларда, айниқса қишлоқларда аҳолининг ксарият қисми етарли даромад манбаига эга эмаслиги сир эмас. Ҳар андай мамлакатда бўлгани каби бизда ҳам кам таъминланган аҳоли атламлари мавжуд. Турли ҳисоб-китобларга кўра, улар тахминан 2-15 фоизни ташкил этади. Бу ўринда гап кичкина рақамлар эмас алки, аҳолимизни 4-5 миллионлик вакиллари ҳақида бормоқда. Ёзи инсонлар ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам пулини тўлаш ни уларнинг миқдорини ошириш орқали ушбу муаммони ҳал этиш мкин деб ўйлайди. Бу— бир томонлама ёндашув бўлиб, муаммони на ечиш имконини бермайди”.¹ Мамлакатимизда мавжуд бўлган “мбғағаллик” ва “қашшоқлик” муаммосини кўрсатиб берилиши, “лини ижтимоий ҳимоялашни молиялаштириш методологиясини “миллаштиришга ҳаёт бизни мажбур қилмоқда.

Асосий мақсад мамлакатда мавжуд молиявий манбалардан

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси.
2020 йил.

аҳолини ижтимоий ҳимоялашда самарали фойдаланиш усулларини излаб топиш, республика, регионлар, шаҳарлар, туманлар, маҳаллаларда, оилаларда молиявий саводхонликни ривожлантириш орқали, фуқаролар учун бюджет соҳасини очиқ қилиб қўйиш Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тараққиёт дастури дунёни 170 та давлатида ҳаёт даражасини яхшилаш, тенгсизликни қисқартириш, аҳолини турмуш даражасини юксалтириш учун молиявий лойиҳаларни эълон қилиб давлатларни, мамлакатларни узларини молиявий ёрдамга муҳтож аҳоли табақаларига моддий ёрдам кўрсатишни амалга оширишга сафарбар қилиб келмоқдалар.

Ўзбекистонда COVID-19 Пандемия инқирози ижтимоий ҳимоя муаммоларини кучайтирди. Жамият миқёсида аҳолини қўллаб-қувватлаш чораларида ижтимоий заиф аҳоли табақаларини қўллаб-қувватлаш бюджет харажатларининг долзарб масалаларига айланганлиги туфайли 2021 йилда ижтимоий ҳимоя харажатлари — 10 244,7 млрд сўмни ташкил этди, пенсия таъминотида, даромадлар ва харажатлар балансини таъминлаш ва бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси харажатларини ўз вақтида бажарилишини таъминлаш мақсадида 2021 йилда давлат бюджетидан бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига 14,7 трлн.сўм миқдоридида трансфертлар ажратилганлиги тарихий воқеа ҳисобланади, биринчи мартаба чин етимларни уй-жой билан таъминлашга 30 млрд.сўм ажратилди, 2021 йилдан бошлаб ижтимоий нафақаларни тақсимлаш ягона ижтимоий, реестри барча ҳудудларда жорий этилиши муносабати билан тўлиқ автоматлаштирилганлиги эълон қилинди.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялашни молиялаштиришни такомиллаштириб бориш орқали ҳар бир фуқарога ижтимоий ҳимоя манзилли тарзда етиб боради, мамлакатимизда тинчлик, осойишталик ижтимоий тотувлик мустаҳкамланади.

I-БОБ. БОЗОР ШАРОИТИДА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИ НАЗАРИЙ, УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Аҳолини ижтимоий ҳимоялашни молиялаштиришни зарурлиги

Жаҳондаги энг глобал муаммолардан бири ҳозирги кунда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва аҳолини ижтимоий таъминотини таъминлаб бериш ҳамма мамлакатлар олдида турган муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистонда ҳам аҳолини ижтимоий ҳимоялашни давлат ташаббуси билан бошқариш натижасида мамлакат аҳолиси бозор иқтисодиётини салбий таъсиридан ҳар томонлама ҳимоя қилиниб келинмоқда. Жумладан “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январда ПФ-60 сонли Фармонини қабул қилинганлиги аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муаммоларини ечишда янги даврни бошлаб берди.

Фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва камбағалликни қисқартириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланиб, аҳолини янги иш ўринлари ва кафолатли даромад манбаи, малакали тиббий ва таълим хизматлари, муносиб яшаш шaroитлари билан таъминлаш сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Янги Ўзбекистонни тараққиёт стратегиясида:

- инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқларвар давлат барпо этиш;
- мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш;
- миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш;
- адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капитални ривожлантириш;
- маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш;
- миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда умумбашарий муаммоларга ёндашиш;
- мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, очик, прагматик ва фаол ташқи сиёсат олиб бориш.

Ўнсон кадрини ўлдуғлашга йўналтирилган аҳолини ижтимоий ҳимоянинг сифати бўйича қўйидагиларни амалга оширишимиз керак:

- ижтимоий ҳимоя соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

- ижтимоий сугурта тизимини ташкил этиш, ижтимоий сугурта таъминотини вужудга келтириш;

- ҳам таъминланган оилаларга ижтимоий ёрдам ва хизматларни ижтимоий шартнома асосида тақдим этиш;

- "Ижтимоий ҳимоя" ягона реестри ахборот тизимида ёрдамга муҳтож аёллар, ёшлар ва ногиронлиги бўлган шахслар бўйича алоҳида маълумотлар базасини яратиш "Темир дафтар", "Ёшлар дафтари" ва "Аёллар дафтари"ни "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" билан интеграция қилиш.

Пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун иш ҳақининг максимал миқдори пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг ўн баробаридан ўн икки баробаригача оширилсин;

Аёлларга пенсия ҳисоблашда уларнинг болани парваришlash таътилда бўлиш вақтининг ҳаммасини жамлаганда иш стажига қўшиб ҳисобланадиган 3 йиллик даврни 6 йилга ошириш;

Болаликдан ногиронлиги бўлган болаларга 18 ёшгача қаралган даврни пенсия тайинлашда иш стажига қўшиб ҳисоблаш;

Маҳаллада тadbиркорликни ривожлантириш, аҳолини бандлигини таъминлаш ва қамбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчиси ва ёшлар етакчиси фаолияти самарали йўлга қўйилса;

Маҳалладан туриб барча давлат органларига мурожаат қилиш ва уларнинг раҳбарлари билан мулоқат қилиш, давлат ижтимоий хизматларини маҳаллада кўрсатиш, Президент Халқ қабулхоналари билан алоқаларни мустаҳкамлаб, маҳаллаларнинг халқ олдидаги нуфузини ошириш;

Фуқароларни пенсия миқдорларини мамлакат иқтисодий кўрсаткичларига асосланиб, ошириб бориш;

Халқаро тажрибалардан фойдаланиб, кўп босқичли ва давлат томонидан қафолатланган пенсия таъминоти тизимини жорий қилиш;

Аҳолини муҳтож қисмини замонавий протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация воситалари билан таъминлаш даражасини 60 фоизга етказиш.

“Тараққиёт стратегия” мизда халқимиз саломатлигини таъминлаш бундан буён ҳам бош вазифа бўлиб қолади. Ушбу соҳага йўналтириладиган маблағларни 2 баробар ошириш жумладан келгуси беш йилда олий тоифали шифокорлар маошини эквивалент ҳисобида 1 минг АҚШ долларига етказиш мўлжалланмоқда.

Асосий мақсад – тиббиёт соҳасини чинакамига халқ дардига дармон бўладиган, юқори самара билан ишлайдиган тизимига айлантиришдан иборат”.²

Мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимини жорий қилиш ва инсоният тараққиётида муҳим роль ўйнаган аҳолини ижтимоий ҳимоялашни молиялаштириш ва бошқариш илми ёрдамида жамиятда тинчлик осойишталик тотувлик ўзаро ҳамжиҳатлик қарор топди. дунёдаги ривожланган мамлакатлар ҳар бир ишни бошлашда биринчи навбатда бошқарувчини танлаганлар ва бошқарувчига итоат этганлар. Бошқариш илмининг алломаси Абу Наср ибн Муҳаммад Форобий бошқариш илмини чуқур эгаллаб кейинчалик Бағдодда яшаб ижод қилган, аввало Шарқ оламида кейинчалик дунёга машҳур бўлиб бошқариш соҳасида ҳаммани ҳайратга соладиган улуғ асарлар яратиб, тарихда ном қолдирган Форобий “Фозил шаҳар аҳолисининг қарашлари”, “Бахт-соадатга эришув йўллари ҳақида рисола”, “Давлатнинг вазифаси инсонларни бахт-соадатга олиб боришдир, бу эса илм ва яхши ахлоқ ёрдамида қўлга киритилади”, деб ёзади Форобий давлатни ҳар томонлама етук киши, етук ҳислатларга эга бўлган, халқ томонидан сайланган кишилар бошқариши лозимлигини айтади. Давлатни етук кишилар бошқарсагина фозил жамият, фозил шаҳар, фозил мамлакат қарор топади. Фозил жамият фозил давлат шундай бўладики, бу жамиятнинг ҳар бир аъзоси касб-хунар, илм-фанни эгаллаш билан шуғулланади. Бундай давлатда одамлар чин маъно билан озод ва эркин бўладилар. Улар орасида турли хил яхши одатлар завқли-шавқли ашулалар пайдо бўлади. Бундай жамиятни бошқарувчи кишилар гуруҳи ўзларида олти ҳислат бўлиши зарур. Булар: Аввало адолатли бўлиш, доно бўлиш, қонунларга қатъий риоя қилиш, янги қонунлар яратиш, келажакни олдида кўра билиш, бошқаларга намҳўр ва меҳрибон бўлишдир. Давлатимиз айнан ўз аҳолисига меҳрибонлик кўрсатиб, бозорни салбий таъсиридан моддий ёрдамга

² Янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга эришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқи. 2021 йил.

мухтож аҳолини иштимой ҳимоя қилишни ва уни бошқаришни қонунлар асосида тизими сифатида жамиятимизда жорий этди.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими бу ўзини назарий асосларига эга бўлиб, бир гуруҳ олимлар “ижтимоий” сўзини умумий тушунча деб талқин этишади, яъни сиёсий, иқтисодий, маънавий ва маиший муносабатларни ўзида мужассамлаштиради дейишса;

Иккинчи гуруҳ олимлар “ижтимоий” сўзини миллатлар, аҳолининг турли табақалари орасидаги, ишлаб чиқариш билан истеъмол орасидаги муносабатлардир дейишади;

Учинчи гуруҳ олимлар “ижтимоий” сўзини аҳолининг яшаши ва аҳолини такрор ишлаб чиқариш билан боғлиқ муносабатлари деб талқин қилишади.

Ўз навбатида мантикий жиҳатдан олиб қараганда ва илмий манбаларга асослаб “ижтимоий” сўзига таъриф берадиган бўлсак, “ижтимоий” сўзининг маъноси кенг қамровли бўлиб, бутун жамият ҳаёти ва ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнидаги муносабатлар йиғиндиси сифатида қараш керак.

Ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнида аҳолининг шароити, ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш ва аҳолини ўзаро ижтимоий муносабатларини тушуниш ҳақиқатга яқинроқ деб ўйлаш мумкин. Бу нуқтаи назардан олиб қарайдиган бўлсак, “ижтимоий ҳимоя” тушунчасида аҳолининг яшаш тарзи, ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш ва иш билан таъминлаш бўйича қўриладиган ҳимоя тадбирларининг мажмуасини тушуниш мақсадга яқин деб ўйлаймиз.

Демак аҳолини ижтимоий ҳимоялаш унинг турмуш даражасини яхшилаш, моддий таъминотини нормал ҳолга келтириш бўйича қўриладиган чора-тадбирларини тушуниш керак.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш кишилик жамиятининг ҳамма босқичларида мавжуд бўлиб, ўзига хос хусусиятга эга бўлган жамиятнинг ривожланиб бориши билан аҳолини ижтимоий ҳимоялаш шакллари ўзгарган, давр талабига мос усуллардан фойдаланиб келинган.

Бозор иқтисодиёти шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг моҳияти ошиб боради, уни амалга ошириш давлат ижтимоий сиёсатининг муҳим қисмларидан бирига айланади.

Бозор муносабатлари асосида иқтисодиётни ривожлантириш жамият томонидан илғор технологиялар билан қуролланишни янги техника ютуқларидан фойдаланишни, шулар асосида инсоннинг

ҳақ-ҳуқуқларини ва қадриятларини ҳимоя қилиш объектив заруратга айланиб боради.

Ҳар бир ҷамиятда аҳолининг сиёсий, ҳуқуқий, миллий томондан ҳимоялаш мавжуд бўлиб, ҷамият аъзоларининг маълум табақаларини турли хил шароитларда ижтимоий ҳимоялаш ҳам заруратга айланади. Аҳолининг бундай қатламлари ногиронлар, нафақахўрлар, ёш болалар, боқувчисиз қолган оила аъзолари иқтисодий ҳимояга муҳтожлардан ҳисобланиб, аҳолининг бундай қисмларини давлат марказлашган аҳолини ижтимоий ҳимоялашни ташкил этган тизими орқали ижтимоий ҳимоялаш амалга оширилади.

Шулар билан бир қаторда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож боқиманда қисмларини меҳнат қилиш қобилияти чегараланган, бошқаларнинг ёрдамига муҳтож гуруҳларига ижтимоий ёрдам кўрсатиш зарур бўлиб қолади.

Иқтисодий тизимда “ижтимоий ҳимоя” тушунчаси ҷамиятнинг ижтимоий-иқтисодий категорияси сифатида амал қилади. Бу категория аҳолини боқиманда қатламларини ижтимоий ҳимоялашда давлат маҳаллий бошқарув бўғинлари томонидан белгилаб берилган ижтимоий ҳимоялаш тадбирлари амалга оширилади.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш илмий категория сифатида ҳам қаралади. Бу категориянинг кўрсаткичлар тизими қиймат, яъни пенсия, стипендия ҳамда кўрсатиладиган хизмат қиймати шаклида ажуриниши мумкин, натурал кўрсаткичда белгилаб қўйилган озиқ-овқат миқдори кийим-кечак сони бўлиши ва нисбий жиҳатдан қаралганда истеъмолнинг эҳтиёжларини қондирган бўлиши мумкин.

Бозор муносабатларига асосланган тузимда ижтимоий ҳимояни назарий жиҳатдан ўрганиш ва уни чуқур билиш зарурати юзага келди, ижтимоий ҳимоялашнинг ҳуқуқий томонларини, ижтимоий-иқтисодий томонларини олимлар ва иқтисодчилар умумлаштириб ўрганиб ҷамиятнинг ривожини ва аҳолининг моддий таъминотини яхшилашга ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг ҳуқуқий асослари аввало инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро актлар, республика дош қомуси, фуқаролар тўғрисидаги қонун ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тўғрисидаги қонун, фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун, “иш ҳақи”, энг кам даражадаги “истеъмол шавати” тўғрисидаги низом ҳамда республика Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан аҳолини

турли қатламларини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган фармон ва қарорлари.

Шулар билан бир қаторда маҳаллий бошқарув органлари баъзи корхоналар томонидан маҳаллалар томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўйича юридик кучга эга бўлган қарорлар ва ҳужжатлар ҳисобланади. Бу ҳуқуқий ҳужжатлар аҳолини ижтимоий ҳимоялашни ташкил этиш ва уни бошқариш бўйича умумий сиёсат юритиш дастурлар ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга татбиқ қилишда асосий дастур ҳисобланади.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими ўзининг тамойилларига эга бўлиши, ҳар бир мамлакатда истиқомат қилаётган ҳамма аҳоли қатламлари миллати, дини, ирқи, яшаш жойидан қатъи назар ижтимоий ёрдам олишга тенг ҳуқуқлидирлар. Бу талаб ҳалқаро умумжаҳон декларацияси талабларидан келиб чиқади. Ҳар бир инсонга тўғри келадиган ялпи даромад энг кам даражадаги яшаш минимумидан кам бўлмаслиги керак. Маълумки ҳар бир инсоннинг яшаш минимуми унинг физиологик талабларини қондирадиган ва озик-овқат маҳсулотларига кетадиган маблағ қиймати сифатида амалга ошиши керак. Ҳар бир аҳоли яшайдиган регионда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда табақалаштириш тарзида ёндашиш зарур. Аҳолини ижтимоий ҳимоялашда адолат тамойилларига риоя қилиш керак. Булардан келиб чиқиб аҳолини ижтимоий ҳимоялашда ижтимоий ҳимоя объектларини аниқлаб олиш зарур.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш объекти ижтимоий ҳимоянинг муҳим шarti бўлиб, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш объекти бизнинг олиб борган илмий изланишларимизнинг натижаси сифатида қуйидаги гуруҳларга ажратиб олишни илмий жиҳатдан асосланган деб ҳисоблаш мумкин, бу гуруҳларга аҳолининг қуйидаги қатламларини киритишни лозим деб топдик:

Ноғиронлар, пенсионерлар, ёш болалар, боқувчисини йўқотган оилалар, нафақахўрлар, ҳомиладор аёллар ва ёлғиз қолганлар, вақтинчалик ишлаб чиқариш жараёнида меҳнат қobiliятини йўқотганлар, маълум муддатга ва бутунлай ишсиз қолганлар, ўқувчилар, талабалар, турли хил сабаблар туфайли қашшоқлик даражасига келиб қолганлар, белгиланган тирикчилик даражасидан паст даражада даромад олаётган ва аҳолини ёрдамга муҳтож табақалари.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялашни молиялаштириш айнан мана шу юқорида кўрсатилган объектларни қамраб олиши, давлатнинг

умуминсоний нормаларини кадрлаш ва тиклаш ҳамда таъминлаш бўйича асосий вазифаларидан бири деб қараш керак, чунки ишловчиларнинг олаётган даромади ва иш ҳақидан қатъи назар барчага тенг миқдорда таъминот ва имтиёзлар яратиб бериш, аҳолини ёппасига ижтимоий ҳимоя объектига айлантириш ҳамма вақт ҳам кўзланган натижага эришишга олиб келмайди.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялашни ташкил этиш давлат томонидан ҳокимиятлар, маҳаллий бошқарув органлари, корхоналар, жамоа ташкилотлари, маҳаллалар томонидан амалга оширилади, аммо аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг муҳим тамойили унинг илмий жиҳатдан асосланганлиги бўлиши керак.

Турли мулкчилик иқтисодиёти шароитида жамиятда аҳолининг мулкдор синфлари, ўртаҳол ва камбағал ҳамда қашшоқлик даражасига бориб қолган қатламлари вужудга келади.

Олдинги ижтимоий-иқтисодий тузимларда, яъни кўп мулкчиликка асосланган жамиятларда аҳолининг камбағал табақаларига ижтимоий ёрдам кўрсатиш аввало мулк эгалари томонидан ажратилган маблағлар ҳисобига ва давлат хазинасига турли хил йўллар билан келиб тушадиган маблағлар ҳисобидан аҳолининг ёрдамга муҳтож қисмларига ижтимоий ёрдам кўрсатилган. Бу йўл билан мамлакатнинг барқарорлиги таъминланган, жамият аъзолари тинч осойишта фаровон ҳаёт кечириб бораётган.

Бу кўрсатиладиган ижтимоий ёрдам аҳолини камбағал, қашшоқ табақаларини турли хил салбий ҳолатлардан сақлашга ва жамиятнинг ривожини йўлида меҳнат қилишга сафарбар қилиш учун амалга оширилган.

Маълумки инсоният яшаган барча ижтимоий-иқтисодий тузимларда норозиликларни, ғалаёнларни, инқилобларни вужудга келишига асосий сабаб аҳолини ижтимоий муаммоларини давлат томонидан ва жамият томонидан адолатли ҳал этилмаганлиги ва ўз ечимини топпаганлиги сабаб бўлган.

Агарда жамиятда аҳолининг маълум қатламлари бойиб кетса, бошқа қатламлари камбағаллашиб қашшоқлик даражасига тушиб қолган тақдирда аҳолининг камбағал ва қашшоқ табақаларини ўзларининг моддий аҳволларини яхшилаш учун жамиятнинг ўзгартириш керак деган фикрларга борганлар. Ҳатто Европа мамлакатларида аҳолининг камбағал, қашшоқ табақалари томонидан жамиятга ва давлатга қарши ғалаёнлар кўтарилган. Давлат ва ҳукуматлар бу норозиликларни ижтимоий соҳада ислохотлар

ўтказиб, аҳолининг моддий аҳволини, тирикчилик даражасини маълум муддатда яхшилашга эришганлар.

Ижтимоий-иқтисодий тузимларда норозиликларнинг пайдо бўлишини асосий сабабларини қуйидаги муаммоларини ҳал этилмаганлиги натижаси деб қараш мумкин:

- жамиятдаги моддий ёрдамга муҳтож аҳолини жамият томонидан ёки шу жамиятни бошқариб боровчи давлат томонидан ижтимоий муаммоларнинг тўлиқ ҳал этилмаганлиги;

- аҳолини меҳнатга лаёқатли қисмини давлатни бозор иқтисодиётига ўтиш сиёсатини амалга оширилганлиги туфайли мулкни хусусийлаштириш туфайли маълум вақтда аҳоли орасида ишсизликнинг вужудга келиши;

- аҳолининг ижтимоий аҳволини оғирлашишига инфляция ва баҳоларнинг ҳаддан ташқари кўтарилиши ҳамда кўрсатилган хизматлар учун коммунал тўловларнинг ошиб бориши;

- ижтимоий муаммоларнинг кўпайишига айрим минтақалардаги маҳаллийчилик ва умуминсоний қонунларни баъзи мансабдор шахслар томонидан эътиборга олмасликларининг сабаб бўлишидир.

Аҳолининг турли мулкчилик шароитида ижтимоий ҳимоялаш ва бошқариш давлатнинг ижтимоий сиёсатидан келиб чиқади. Давлат томонидан олиб борилаётган ижтимоий ҳимоялаш сиёсати аҳолини моддий аҳволини яхшилаш, тирикчилик даражасини кўтариш ва бозорнинг салбий таъсиридан ҳимоялаш бозор шароитида ҳаётий заруратга айланади.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялашга дунёдаги ривожланган мамлакатлар ўзининг миллий даромадининг маълум қисмини сарфлаб келмоқдалар. Германияда мамлакат миллий даромадининг 33 % и аҳолини ижтимоий талабларини қондиришга сарфланмоқда. Швецияда мамлакат миллий даромадининг 30 % и ижтимоий соҳага йўналтирилган. Японияда 10 % дан ортиқ, Ўзбекистонда ижтимоий соҳага ялпи йиллик ички маҳсулотнинг 23 % и сарфланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси аҳолини ижтимоий аҳволини яхшилаш учун ўзига хос ижтимоий ҳимоя тизимини жорий қилди. Бу маҳаллалар орқали аҳолини ижтимоий ҳимоялашни амалга ошириш яхши натижа бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 39-моддасида қайд этилганки: "Ҳар ким қариганда меҳнат лаёқатини йўқотганда, боқувчисини йўқотганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга. Пенсиялар,

нафақалар, ижтимоий ёрдам турларининг миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур бўлган энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас”³ деб белгиланган.

Ўзбекистон ҳукумати ва унинг ижро органлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси берган ҳуқуқлар асосида ҳозирги кунда республикада 4 млн. дан ортиқ пенсионерлар ўз вақтида пенсиясини олмақда. 1 млн. га яқин ногиронлар, майиб-мажруҳлар давлатдан нафақа олмақдалар.

Ўзбекистон Республикасида “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида” ги қонуни қабул қилинган ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тартибини тасдиқлаш тўғрисида” ги 310-сонли қарори қабул қилиниб ҳаётга татбиқ этилган. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31-январдаги “Аҳолини иш билан таъминланганлигини ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” ги 42-сонли қарори ҳаётда ўз ифодасини топмоқда.

Ҳар бир давлат ўзининг ижтимоий сиёсатида аҳоли ҳаётини яхшилаш, моддий фаровонлигини ошириш ва инсонни муҳтожликдан қутқозишга қаратилади.

Ўзбекистон давлатининг, ижтимоий сиёсатининг мақсади ҳам Ҷамиятда аҳолининг асосий ҳаётий эҳтиёжларини қондиришни таъминлайдиган қулай ижтимоий муҳим ва шарт-шароитларни яратишдан иборат бўлиб келмоқда.

Давлатимиз ижтимоий сиёсатининг муҳим асослари: Иқтисодий эркинликни таъминлаш, аҳолининг меҳнат фаоллигини ошириш, аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоялаш, аҳолига ижтимоий хизматларни сифатли даражада кўрсатиш.

Ўз навбатида аҳолининг турмуш даражасини белгилайдиган омиллар ҳам мавжуд, улар қуйидагилар: макроиқтисодий омиллар, яъни инфляция, солиқ ҳамда пул кредит сиёсати, мамлакатдаги демографик ўсиш ҳолати, аҳолини иш билан бандлиги даражаси, меҳнат бозори ҳамда иш вақти, уй-жой ва коммунал хизматлар билан таъминланганлик даражаси, аҳолининг саломатлиги, таълим даражаси, ижтимоий таъминот тизими қай даражада ривожланганлиги.

³ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 09.02.2021 й., 03/21/671/0093-сон.
<https://lex.uz/docs/20596>